



...Ул фурсатта Тошканд Умаршайх мирзо тасарруфида эдиким, китобларда Шош битарлар, баъзи Чоч битирларким, «камони чочий» андин ибораттир. Ўшал фурсаттин тарих тўккуз юз секкизгача Тошканд ва Шохрухия вилояти Чигатой хонларининг тасарруфида эди. Бу фурсатта мўгул улусининг хон ва султонлиги Юнусхоннинг улуг ўгли – менинг тогойим Султон Махмудхонда эди. Умаршайх мирзонинг огаси Самарканд подшохи Ахмад мирзо ва мўгул улусининг хони Султон Махмудхон чун Умаршайх мирзонинг бадмашлигининг мутазаррир эдилар, бир-бирлари била иттифок килиб, Султон Ахмад мирзо Султон Махмудхонни куёв килиб, мазкур бўлгон тарихда Хўжанд суйининг жануб жонибидин Султон Ахмад мирзо ва шимол тарафидин Султон Махмудхон Умаршайх мирзонинг устига черик торттилар.

(Захириддин Мухаммад Бобур, «Бобурнома», «Тошкент» нашриёти, 1965 йил, 15-бет)